

Ўзбекистон Республикаси номидан  
Ҳ У К М

2025 йил 18 февраль куни, Косон тумани давлат солиқ инспекциясининг мажлислар залида, очиқ сайёр суд мажлисида, жиноят ишлари бўйича Косон туман суди раиси Ф.Юсуповнинг раислигида, судья ёрдамчиси Ж.Ҳайитмуродовнинг котиблигида, тарафлардан: давлат айбловчиси-Косон туман прокурори катта ёрдамчиси Л.Ҳақбердиев, фуқаровий даъвогар Ф.И.Ш, судланувчи Ф.И.Ш ва унинг ҳимоячиси-“Косон ишонч” адвокатлик бюроси адвокати Ш.Худойбердиевларнинг иштирокида, Ф.И.Шга оид 1-1809-2501/24-сонли жиноят иши кўриб чиқилди. Иш ҳужжатларига кўра:

Ф.И.Ш - 1991 йил 17 майда Қашқадарё вилояти Косон туманида туғилган, ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти олий, оилали, 2 нафар фарзанди бор, мавсумий ишчи, муқаддам судланмаган, Қашқадарё вилояти, Косон тумани, “Работ” МФЙда яшайди, муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақидаги тилхат эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов хулосаси нусхасини 2025 йил 6 февраль куни олган,

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 169-моддаси 2-қисмининг “б,д” бандлари билан айбланган.

Суд, судланувчи, фуқаровий даъвогар ва гувоҳларнинг кўрсатувларини, тарафларнинг музокара нутқлари ва судланувчининг охириги сўзини тинглаб, иш бўйича тўпланган далилларни атрофлича ўрганиб, муҳокама қилиб, қуйидагиларни

а н и қ л а д и :

Судланувчи Ф.И.Ш, Косон тумани, “Истиқбол” МФЙ, Хумдон кўчасида яшовчи Ф.И.Шнинг хонадонидан нонвойчилик билан шуғулланиб келиб, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йил 31 майдаги “Электр энергияси ва табиий газдан фойдаланиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 319-сонли Қарори талабларига зид равишда, “Худудгаз Қашқадарё” газ таъминоти филиали билан шартнома тузмасдан, Д-50 мм газ қувурига Д-15 мм газ қувури орқали тўғридан-тўғри, ҳисоблагичсиз, 2 дона тандир, 1 дона ПГ-4 газ плитаси, 1 дона ОПУСК (газ жўмраги)ни улаб олган ҳолатда фойдаланиб, табиий газ тармоғига тижорат мақсадида тўғридан-тўғри ўзбошимчалик билан уланиб, 2024 йил 5 августдан 2024 йил 24 октябрга қадар 22 521 м<sup>3</sup> жами 58.556.160 сўмлик умумий фойдаланишдаги анча миқдордаги табиий газни ўғрилик йўли билан яширин равишда талон-торож қилган.

Судланувчи Ф.И.Ш умумий фойдаланишдаги газ тармоғига ноқонуний равишда уланиб, анча миқдордаги газни тижорат мақсадларида ўғрилик йўли талон-торож қилганликда ифодаланган ўзининг бу жиноий ҳаракати билан Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 169-моддаси 2-



қисмининг “б,д” бандларида назарда тутилган жиноятни қасддан содир қилган.

Судланувчи Ф.И.Ш судда, айбига тўлиқ иқроор ва пушаймон бўлиб, 2024 йилнинг август ойларида Ф.И.Ш билан танишиб қолганлигини, танишув давомида Ф.И.Ш Косон тумани, “Истиқбол” МФЙ, Хумдон кўчасида жойлашган яшаш уйида нонвойхона фаолиятини юритмоқчи эканлигини, бунинг учун шерик кераклигини, иш фаолиятини бошлаб туришини, кейинчалик ушбу нонвойхонани ижара асосида унга топширишини маълум қилганлигини, 2024 йилнинг август ойи ўрталаридан Ф.И.Шнинг яшаш уйида ташкил этилган нонвойхонада ўзаро келишувга асосан ижара асосида иш бошлаганлигини, нонвойхонада ундан ташқари нонвой О.Хусанов ва нон тайёрлаб берувчи 2 нафар аёллар ҳам ишлаганлигини, у асосан тайёр бўлган нон маҳсулотларини мижозларга савдо дўконлари ва бозорларга етказиб бериш билан шуғулланганлигини, нонвойхона фаолияти бўйича коммунал тўловларни ўзи амалга ошириб келганлигини, табиий газ ҳисоблагич ускунасига майда зарралар тикилиб қолганлиги натижасида газ босими пасайиб қолганлиги сабабли газ ҳисоблагич ускунасини муҳрларини ва пломбаларини узиб, табиий газ ҳисоблагич ускунасини ечиб олган ҳолда фойдаланиб келганлигини, 2024 йил 24 октябрь куни Косон тумани ИИБ ЖКБ ходими “Элдор” кўнғироқ қилиб, Ф.И.Шнинг яшаш уйига етиб келишни сўраганлигини, Ф.И.Шнинг Косон тумани, “Истиқбол” МФЙ, Хумдон кўчасида жойлашган яшаш уйига етиб борган вақтида ИИБ ва туман газ таъминоти бўлими ходимлари, ўзига таниш бўлмаган фуқаролар ва Ф.И.Ш борлигини кўрганини, газ таъминоти бўлими ва ИИБ ходимлари Ф.И.Ш билан суҳбатлашиб, яшаш хонадони ва табиий газ бўйича ҳужжатлар Ф.И.Шнинг номида бўлганлиги сабабли унинг номига далолатнома расмийлаштиришганлигини, далолатнома билан Ф.И.Ш танишиб чиқиб имзолаганлигини, далолатнома тузиш давомида туман газ таъминоти бўлими ходимлари томонидан суратларга олинганлигини, кейинчалик орадан бироз вақт ўтгач Ф.И.Шнинг онаси унга кўнғироқ қилиб, Ф.И.Шга тегишли бўлган яшаш уйнинг калити бор ёки йўқлигини сўраганлигини, унга калит йўқлигини, Ф.И.Шни ўзида туришини айтиб, Ф.И.Ш ҳақида сўраганида Ф.И.Шни ИИБ ходимлари Самарқанд вилоятига олиб кетишганлигини маълум қилганлигини, далолатнома асосида ўтказилган қайта ҳисоб-китоб натижасига кўра етказилган зарар миқдори 68.028.480 сўмни ташкил қилганлигини, ушбу зарарларни отасининг номида бўлган “Дамас” русумли автомашинасини сотиб тўлиқ тўлаб берганлигини, газ таъминоти ходимлари ўртада 11 кун газ берилмаганлигини ҳисобга олмаганини, шу сабабли 11 кунга ҳисобланган газ истеъмолини айбидан чиқариб, ортиқча тўланган пулларни ўзига қайтаришни, қилмишидан пушаймонлигини, қайта бу ҳолатларга йўл қўймаслигини инobatга олиб, енгиллик беришни сўради.

Фуқаровий даъвогар Ф.И.Ш судда, 2024 йилнинг октябрь ойдан буён “Косонтумангаз” газ таъминоти бўлимида маҳаллабай ишлаш хизмати етакчи муҳандиси лавозимида ишлаб келишини, хизмат вазифаларига



табий газни истеъмолчиларга йўқотишларсиз ва узлуксиз етказиб берилишини таъминлаш, аҳоли ва улгуржи истеъмолчиларга дебитор қарздорлик келиб чиқишига йўл қўймастик, аҳоли ва улгуржи истеъмолчиларнинг алоқага чиқмаган ҳисоблагич ускуналарининг рўйхатини шакллантириб, ҳудуд усталари ва маҳалла газчиларига тақдим этиш ва уларни назоратга олиш кабилар киришини, 2024 йил 24 октябрь куни Косон туманида табий газдан фойдаланиш қоидаларига риоя этилиши юзасидан ўтказилган назорат тадбирлари давомида, Косон тумани “Истиқбол” МФЙда яшовчи Ф.И.Шнинг яшаш уйи кўздан кечирилганда, Ф.И.Ш яшаш хонадонидан нонвойхона ташкил қилган ҳолда яшаш уйи ёнидан ўтувчи Д-50 мм бўлган газ қувурига Д-15 мм бўлган газ қувурини ўзбошимчалик билан тўғридан-тўғри, ҳисоблагичсиз улаб олиб, 2 дона нон тандир, 1 дона ПГ-4 газ плитаси ҳамда бир дона ОПУСК (газ жўмраги)дан фойдаланиб келаётганлиги аниқланганини, истеъмолчи Ф.И.Ш ва холислар иштирокида “Улгуржи истеъмолчилар томонидан табий газдан фойдаланиш қоидалари бузилганлиги аниқланганлиги тўғрисида” 03-33-сонли далолатнома расмийлаштирилганлигини, шунингдек Ф.И.Шнинг яшаш уйини кўздан кечириш давомида анча миқдорда ун маҳсулотлари, нон қориш ускунаси ва нонвойхона фаолияти учун зарур бўлган барча нарсалар борлиги аниқланганини, ноқонуний ҳолат фото ва видеотасвирларга олинганлигини, кейинчалик Ф.И.Ш томонидан ташкил этилган нонвойхонани Ф.И.Ш юритганлиги ва газ тармоғига ноқонуний уланганлиги маълум бўлганини, Ф.И.Ш томонидан табий газдан ноқонуний фойдаланилганлиги натижасида етказилган зарарни аниқлаш мақсадида нонвойхонага ўтувчи газ қувурлари махсус монометр аппарати ёрдамида ўлчаб кўрилганда, кўрсаткич 13,80 м<sup>3</sup> ни ташкил этганлигини, мазкур кўрсаткич асосида ҳисоб-китоб қилинганда етказилган зарар миқдори 68.028.480 сўмни ташкил этганлигини, Ф.И.Ш етказилган зарарларнинг барчасини тўлиқ қоплаб берганлигини, бироқ 11 кун газ етказиб берилмаганлиги натижасида қайта ҳисоб-китоб қилинганида ҳозирги кунда Ф.И.Ш томонидан етказилган зарар миқдори 58.556.160 сўмни ташкил қилиши сабабли ушбу суммага нисбатан даъво қилишини, иш бўйича етказилган зарарлар тўлиқ қопланганлиги сабабли Ф.И.Шга нисбатан ҳеч қандай даъвоси йўқлигини билдирди.

Гувоҳ Ф.И.Ш судда, 2024 йил декабрь ойидан буён “Худудгаз Қашқадарё” газ таъминоти филиали МРОФ ва КҚСАО бўлимида етакчи мутахассис вазифасида ишлашини, бунга қадар “Косонтумангаз” газ таъминоти бўлимида маҳаллабай ишлаш хизмати оператори лавозимида ишлаганини, 2024 йил 24 октябрь куни ИИБ ходимлари чақирганлиги сабабли Косон тумани “Истиқбол” МФЙда яшовчи Ф.И.Шнинг яшаш уйига борилиб, унинг хонадони кўздан кечирилганда, Ф.И.Ш яшаш хонадонидан нонвойхона ташкил қилган ҳолда яшаш уйи ёнидан ўтувчи Д-50 мм бўлган газ қувурига Д-15 мм бўлган газ қувурини ўзбошимчалик билан тўғридан-тўғри ҳисоблагичсиз улаб олиб, 2 дона нон тандир, 1 дона ПГ-4 газ плитаси ҳамда бир дона ОПУСК (газ жўмраги)дан фойдаланиб келаётганлиги



аниқланганини, истеъмолчи Ф.И.Ш ва холислар иштирокида “Улгуржи истеъмолчилар томонидан табиий газдан фойдаланиш қоидалари бузилганлиги аниқланганлиги тўғрисида” 03-33-сонли далолатнома расмийлаштирилганлигини, шунингдек Ф.И.Шнинг яшаш уйини кўздан кечириш давомида анча миқдорда ун маҳсулотлари, нон қориш ускунаси ва нонвойхона фаолияти учун зарур бўлган барча нарсалар борлиги аниқланганини, ноқонуний ҳолат фото ва видеотасвирларга олинганлигини, кейинчалик Ф.И.Ш томонидан ташкил этилган нонвойхонани Ф.И.Ш юритганлиги ва газ тармоғига ноқонуний уланганлиги маълум бўлганини, Ф.И.Ш томонидан табиий газдан ноқонуний фойдаланилганлиги натижасида етказилган зарарни аниқлаш мақсадида нонвойхонага ўтувчи газ қувурлари махсус монометр аппарати ёрдамида ўлчаб кўрилганда, кўрсаткич 13,80 м<sup>3</sup> ни ташкил этганлигини, мазкур кўрсаткич асосида ҳисоб-китоб қилинганда етказилган зарар миқдори 68.028.480 сўмни ташкил этганлигини, бироқ 11 кун газ етказиб берилмаганлиги натижасида қайта ҳисоб-китоб қилинганда ҳозирги кунда Ф.И.Ш томонидан етказилган зарар миқдори 58.556.160 сўмни ташкил қилишини билдирди.

Гувоҳ Ф.И.Ш ва Ф.И.Шлар ҳам судда гувоҳ Ф.И.Шнинг кўрсатувиغا ўхшаш кўрсатув берди.

Бундан ташқари, судланувчи Ф.И.Шнинг айби, газ тармоғига ноқонуний уланганлиги ҳақидаги далолатнома, қайта ҳисоб-китоб маълумотномаси ва фотосуратлар, тушунтириш хатлари, зарарлар тўланганлиги ҳақидаги квитанциялар, ҳодиса жойини кўздан кечириш баённомаси ва фотосуратлар, маълумотнома, судга оид иқтисодий экспертиза хулосаси, судланувчи, фуқаровий даъвогар ва гувоҳларнинг дастлабки терговдаги сўроқ баённомалари, ёзма ва ашёвий далил деб эътироф этиш қарори каби далиллар билан исботини топди.

Гарчи, дастлабки тергов давомида Ф.И.Шга 79 кун давомида 26 164,8 м<sup>3</sup> жами 68.028.480 сўмлик газ маҳсулотини тижорат мақсадларида ўғрилиқ йўли билан талон-торож қилганликда айб қўйилган бўлса-да, бироқ суд давомида қайта ҳисоб-китоб қилиниб, 11 кун давомида етказиб берилмаган газ чегириб ташланганлиги ва бу ҳақда қайта ҳисоб-китоб далолатномаси судга тақдим қилинганлиги, фуқаровий даъвогар ва гувоҳлар ҳам қайта ҳисоб-китоб далолатномаси тўғрилигини тасдиқланганлиги сабабли суд айбловга аниқлик киритиб, Ф.И.Шни 22 521,6 м<sup>3</sup> жами 58.556.160 сўмлик газ маҳсулотини тижорат мақсадида ўғрилиқ йўли билан яширин равишда талон-торож қилган деб ҳисоблашни лозим топди.

Суд, дастлабки тергов органи томонидан судланувчи Ф.И.Шнинг умумий фойдаланишдаги газ тармоғига ноқонуний равишда уланиб, анча миқдордаги газни тижорат мақсадларида ўғрилиқ йўли талон-торож қилганликда ифодаланган ҳаракати Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 169-моддаси 2-қисмининг “б,д” бандлари билан тўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди.



Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 20-моддаси талабига кўра, давлат органлари томонидан инсонга нисбатан қўлланиладиган ҳуқуқий таъсир чоралари мутаносиблик принципига асосланиши ва қонунларда назарда тутилган мақсадларга эришиш учун етарли бўлиши керак.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 7-моддасида, жиноят содир этган шахсга нисбатан у ахлоқан тузалиши ва янги жиноят содир этишининг олдини олиш учун зарур ҳамда етарли бўладиган жазо тайинланиши ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси қўлланилиши кераклиги;

8-моддасида, жиноят содир этишда айбдор бўлган шахсга нисбатан қўлланиладиган жазо ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси одилона бўлиши, яъни жиноятнинг оғир-енгиллигига, айбнинг ва шахснинг ижтимоий хавфлилик даражасига мувофиқ бўлиши лозимлиги кўрсатилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2023 йил 23 июндаги “Одил судловни амалга оширишда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси нормаларини тўғридан-тўғри қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида”ги қарорининг 6-бандида, судлар Конституциянинг 20-моддаси талабларидан келиб чиқиб, шахсга нисбатан қўлланиладиган ҳуқуқий таъсир чоралари мутаносиблик принципига асосланиши ва қонунларда назарда тутилган мақсадларга эришиш учун етарли бўлиши кераклигини инобатга олишлари зарурлиги, бунда ҳуқуқбузарлик содир этишда айбдор бўлган шахсга қўлланиладиган жазо ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси одилона бўлиши, яъни ҳуқуқбузарликнинг оғир-енгиллигига, айбнинг ва шахснинг ижтимоий хавфлилик даражасига мувофиқ бўлиши кераклиги ҳақида тушунтириш берилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги қарорининг 1-бандида, судларнинг эътибори жиноят учун жазо тайинлашда қонунийлик, инсонпарварлик, одиллик ва жавобгарликнинг муқаррарлиги принципларига қатъий амал қилишга қаратилиши;

3-бандида, Жиноят кодексининг 8, 54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши-ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек, жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши кераклиги;

5-бандида эса, судлар ижтимоий хавфи катта бўлмаган, шунингдек унча оғир бўлмаган жиноятларни содир этишда айбдор деб топилган ва жамиятдан ажратмаган ҳолда ахлоқан тузатилиши мумкин бўлган шахсларга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазолар тайинлаш учун қонунда мавжуд барча имкониятлардан тўлиқ фойдаланишлари кераклиги, қонун нормаси санкциясида альтернатив жазолар мавжуд бўлганда ҳукмда озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ жазони қўллаш зарурлиги тўғрисидаги масала муҳокама этилиши шартлиги ҳақида тушунтириш берилган.



Суд, судланувчи Ф.И.Шга жазо тайинлашда, унинг айбига тўлиқ иқрор ва пушаймонлигини, илгари судланмаганлигини, қарамоғида вояга етмаган фарзандлари борлигини Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 55-моддасига асосан жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар деб ҳисоблаб, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 56-моддасида назарда тутилган жазосини оғирлаштирувчи ҳолатлар мавжуд эмас деган тўхтамга келди.

Суд, судланувчи Ф.И.Шнинг шахсини, илгари судланмаганини, айбига тўлиқ иқрор ва пушаймонлигини, оилавий ва моддий аҳволи қийинлигини, қарамоғида вояга етмаган фарзандлари борлигини, иш бўйича етказилган зарарлар тўлиқ қопланганлигини ва фуқаровий даъвогарнинг даъвоси йўқлигини, қилмиш унча оғир бўлмаган жиноятлар туркумига киришини инobatга олиб, Ф.И.Шга Ўзбекистон Республикаси ЖК 169-моддаси 2-қисмининг “б,д” бандлари билан мазкур модда санкцияси доирасида иш ҳақининг 20 фоизи миқдорини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлашни, жазони жазо ижросини назорат қилувчи органлар томонидан белгиланган жойларда ўтатиришни, жазони ўташ муддатини у корхона, муассаса ёки ташкилотда иш бошлаган кундан бошлаб ҳисоблашни, жазони ижро қилишни Косон тумани ИИБ Пробация гуруҳи ходимлари зиммасига юклашни, Ф.И.Шнинг муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақидаги тилхат эҳтиёт чорасини ҳукм қонуний кучга киргач бекор қилишни лозим топди.

Суд, иш бўйича етказилган зарарлар тўлиқ қопланганлигини ва фуқаровий даъвогарнинг судланувчига нисбатан даъвоси йўқлигини қайд этишни, ортиқча тўланган 9.472.480 сўми “Худудгаз Қашқадарё” газ таъминоти филиалидан судланувчи Ф.И.Шнинг фойдасига ундиришни, ашёвий далил-1 дона ДВД диск ва ёзма далиллар жиноят ишига қўшилганлигини қайд этишни лозим топди.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 454-457, 462, 463, 465-468, 471-473-моддаларига асосан суд

#### Ҳ У К М Қ И Л Д И :

Ф.И.Ш Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 169-моддаси 2-қисмининг “б,д” бандларида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбли деб топилсин.

Ф.И.Шга Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 169-моддаси 2-қисмининг “б,д” бандлари билан иш ҳақининг 20 фоизи миқдорини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 2 йил ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлансин.

Жазо, жазо ижросини назорат қилувчи органлар томонидан белгиланган жойларда ўтатирилсин.

Жазони ўташ муддати Ф.И.Ш корхона, муассаса ёки ташкилотда иш бошлаган кундан бошлаб ҳисоблансин.

Жазони ижро қилиш Косон тумани ИИБ Пробация гуруҳи ходимлари зиммасига юклансин.



Ф.И.Шнинг муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақидаги тилхат эҳтиёт чораси ҳукм қонуний кучга киргач бекор қилинсин.

Иш бўйича етказилган зарарлар тўлиқ қопланганлиги ва фуқаровий даъвогарнинг судланувчига нисбатан даъвоси йўқлиги қайд этилсин.

Ортиқча тўланган 9.472.480 сўм “Худудгаз Қашқадарё” газ таъминоти филиалидан судланувчи Ф.И.Шнинг фойдасига ундирилсин.

Ашёвий далил-1 дона ДВД диск ва ёзма далиллар жиноят ишига қўшилганлиги қайд этилсин.

Ҳукмдан норози тарафлар ҳукм эълон қилинган кундан, судланувчи эса ҳукмнинг кўчирма нусхаси топширилган кундан эътиборан ўн сутка ичида шу суд орқали Қашқадарё вилоят суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатига апелляция тартибида ёки ҳукм қонуний кучга киргач кассация тартибида шикоят беришга, прокурор протест билдиришга ҳақлидирлар.

Раислик қилувчи

Ф.Юсупов

